

O'zbekiston Respublikasi
MChJ
«OSIYO – AUDIT»
Auditorlik Tashkiloti



«OSIYO-AUDIT»

Республика Узбекистан
Аудиторская организация
«OSIYO – AUDIT» в
форме ООО

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ
“Гурлан дехкон бозори” акциядорлик жамияти (адресат) реквизитлари:

№ 19/62

Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Мустақиллик шох кучаси 4-уй, СТИР-201 802 435; Халк банк Гурлан филиали; МФО-00809, х/р.2020 8000 5064 3380 7001.

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусовод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-уй, Tel: 236-11-60, 236-24-32, osiyo-audit@mail.ru, 00124-сонли 29.02.2008 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси, 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳнома, АТИБ Ипотекабанк Меҳнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

Мен MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори “Гурлан дехкон бозори” акциядорлик жамиятининг “Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, “Тула оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”-4-шакл, “Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот” Тушунтириш хатидан иборат 2018 йил (1 январдан 31 декабргача) ҳолатдаги молиявий ҳисоботининг ишончлигини 11.03.2019 йилдаги 62-шартнома асосида мажбурий аудит текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

“Гурлан дехкон бозори” акциядорлик жамиятининг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувида асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Гурлан дехкон бозори” акциядорлик жамияти илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олинган йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизининг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект “Гурлан дехкон бозори” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабр ҳолатдаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий ҳисоботининг натижаларини ҳаққоний асосда эътиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор

Аудитор
2019 йил



А.Исмаилов

А.Исмаилов